Куч — адолатда

2015 йил
6 ноябрь,
жума
№ 43 (556)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ҳаётимизда юз берган беқиёс ўзгаришларни узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган транспорт воситаларию равон йўллар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Эндиликда учқур поезду автомобилларда манзилга бирпасда етиб олиш, наинки юртимиз шаҳарлари, балки узоқ хориж ўлкаларига ҳам бориб-келиш одатий ҳолга айланди.

ЙЎЛ ҚУРМОҚ – САВОБ, ЙЎЛ ЮРМОҚ – РОҲАТ

Асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни таъминлаб келган Буюк ипак йўлида Ўзбекистоннинг тутган ўрни тарихий солномаларда қайд этилган. Бугун дунё иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар, хусусан, жаҳон бозорларига товарларни етказиб беришда янги йўналишларнинг пайдо бўлиши натижасида Буюк ипак йўли анъаналари қайта тикланар экан, Ўзбекистон нафақат Шарқ ва Ғарб, балки Шимол ва Жанубни ҳам боғлайдиган "олтин кўприк"ка айланди.

Дарвоқе, куни кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 63-мажлисида ҳам шу мавзуда, яъни йўлсозлик истиқболлари, темир йўлчиларнинг элларни ва эллар орқали дилларни боғлашга қаратилган эзгу ҳамда савобли ишлари моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси темир йўлларининг ҳисобот даврида-ги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раиси О.Раматов анжуман иштирокчиларига Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўллари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳа корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизими бўлиб, бугунги кунда уларнинг узунлиги 6 минг километрдан зиёдни ташкил этади. Шу боис мамлакатимиз Евроосиё транспорт маконида темирйўл орқали ташишни ташкил этиш ва транзит юкларни ташишда халқаро транспорт коридорлари имкониятларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бундай салмоқли ютуқларга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида транспорт тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган самарали сиёсат туфайли эришилмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти таркибидаги қатор йирик саноат корхоналари модернизация қилиниб, техник ва технологик янгиланиб бораётгани натижасида мамлакатимиз бугун Марказий Осиёда темир йўл транспорти учун мукаммал қурилиш-таъмирлаш базасига эга ягона давлатга айланмоқда.

Масалан, 2013 йилда минтақамизда темир йўл транспорти учун қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқаришда етакчи бўлган қуюв-механика заводида қиймати 150 миллион доллардан ортиқ модернизация ишлари бажарилиб, корхона Германия компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган технологик линиялар билан жиҳозланди.

(Давоми иккинчи бетда)

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 23 yilligiga

Оилалар фаровонлиги – жамият равнақи

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда.

Алишер ва Назокатнинг тўйини ўтказишда қариндош-уруғ, маҳалла-қўйнинг маслаҳати, оила аъзоларининг тўғри қарори муҳим аҳамият касб этди. Тўй ўтгач, ёш оила давлат томонидан берилаётган имкониятлар, яратилган шарт-шароитлар асосида ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Маслаҳатли тўй тарқамас, деган нақл бежиз айтилмаган. Кексаларнинг ҳаётий тажрибаси, рўзғор тутиш, фарзанд тарбиялаш борасидаги ўгитларидан ёшлар тўғри хулоса чиқариши муҳим аҳамиятга эга.

Айрим давлатларда оилаларнинг бузилиши одатий ҳолга айланмоқда. Энг ачинарлиси, одамларда оилага нисбатан муносабат ёмонлашмоқда.

Мамлакатимизда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Азалдан отабоболаримиз оилани муқаддас билган, унда соғлом муҳитни таъминлашга, фарзандлар тарбияси ва камолига ҳамиша эътибор билан қараган. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни беқиёсдир.

Қабул қилинаётган қонунлар, ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий лойиҳаларнинг барчаси ана шу анъаналарга уйғун. Конституциямизнинг алоҳида боби "Оила" деб номлангани ҳам бунинг исботидир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Qonun ko`magi

Хусусий мулк дахлсизлиги

қонун билан кафолатланган

Бу ҳақда сўз борганда, кейинги даврда хусусий мулк, мулкдорлар ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатли тизимини яратишга янада катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2012 йил 24 сентябрда "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилингани бунинг яққол тасдиғидир.

Ушбу қонуннинг 2-моддасига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди ҳамда хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратади.

Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мол-мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак натижалар бермоқда. Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга, суд соҳасидаги қонунчиликни либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Жиноят-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ соҳаларида ҳуқуқий сиёсат ривожланишининг долзарб масалалари" мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда шу ҳақда сўз борди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ҳамда мустақиллигини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Тадбиркорлар ҳуқуқлари суд ҳимоясида

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва преференцияларни амалга изчил татбиқ этиш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунда, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари мансабдор шахсларига нисбатан тегишли чоралар қўлланаётгани, ўз навбатида, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда СУД ҳокимияти муҳим ўрин тутади.

Зотан, Президентимиз Ислом Каримов 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидлаганидек, 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — устувор вазифамиздир.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда сўнгги йилларда биржалар фаолияти янада тараққий этиб, бу соҳадаги амалиёт кенгайиб бораётгани унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу маънода мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ривожидан келиб чиқиб, биржа фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Qonun ijodkorligi

Биржалар фаолияти

соҳа қонунчилиги янада такомиллаштирилмоқда

Айниқса, 2014 йил 12 сентябрда қабул қилинган ва жорий йилда кучга кирган "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси айни шу маънода муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги 4 та қонунга, яъни "Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Маълумки, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунда Марказий банк мамлакатимизда валютани тартибга солувчи давлат органи эканлиги белгилаб қўйилган.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

— Қўшним бундан икки йил муқаддам туҳмат қилгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Аммо яқинда у яна мен ҳақимда уйдирма гаплар тарқатди. Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда бундай қилмиш учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Р.ТУРСУНОВА,
Фарғона вилояти,
Риштон тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 139-моддасига мувофиқ, туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Шунингдек, агар туҳмат:

а) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб;

б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда;

в) хавфли рецидивист томонидан;

г) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Судга чақирилган шахснинг чақирув қоғозини олишни рад этиши фуқаролик ишини кўришга тўсқинлик қиладими?

Аслиддин МАСЛАКОВ,
Самарқанд вилояти,
Тайлоқ тумани

— Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 137-моддасида чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортиш оқибатлари қайд этилган. Хусусан, чақирилувчи ўз номига юборилган суднинг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортса, чақирув қоғозини келтирган шахс буни чақирув қоғозида қайд қилиб, уни судга қайтариб топширади. Чақирилувчи чақирув қоғозини қабул қилиб олишдан бош тортганлиги ҳақидаги қайд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки чақирилувчининг иш берувчиси (маъмуриятнинг мансабдор шахси) томонидан ёхуд камида икки нафар фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади.

Чақирилувчининг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортиши ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Айтингчи, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси нималардан иборат? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?

Кибриё ҲАМИДОВА,
Жиззах вилояти,
Жиззах шаҳри

— Жиноят-ижроия кодексининг 2-моддасига асосан, Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Қонунда фуқаронинг муомала лаёқати неча ёшдан бошлаб вужудга келиши белгиланган?

Шоира ОСТОНОВА,
Навоий вилояти,
Учқудуқ тумани

— Фуқаролик кодексининг 22-моддасига асосан, фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач, тўла ҳажмда вужудга келади. Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Айтинг-чи, суднинг ҳукмига асосан тайинланган жазони ўтаётган маҳкумлар адвокатлардан ҳуқуқий маслаҳат олиш ҳуқуқига эгами?

Исроил ИСМАТУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Яккабоғ тумани

— Жиноят-ижроия кодексининг 10-моддасига мувофиқ, маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади. Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан холи суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари сони ва муддати чекланмайди.

Саволларга Олий суд катта консультанти Акмал Алиев жавоб берди.

Iftixor

Йўл қурмоқ – савоб, йўл юрмоқ – роҳат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

2020 йилга келиб корхонада йилига 1200 юк вагони ишлаб чиқариш, 1500 вагонни таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводида замонавий йўловчи ташиш вагонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сўнгги йилларда бу ерда 120 та янги вагон ишлаб чиқарилиб, 735 та вагон модернизация қилинди. Бунинг самарасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юк ва йўловчи ташиш вагонларидан МДҲ мамлакатлари темирйўлларида фойдаланилмоқда ва Ўзбекистоннинг темирйўл соҳасидаги технологик ютуқлари намойиш этилаётир.

Мамлакатимиз темирйўлчилари эришаётган ютуқлар ҳақида сўз борганда, ҳеч шубҳасиз, Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида "Мароканд-Қарши" электрлаштирилган темирйўлида барча бунёдкорлик ва электрлаштириш ишлари тугатилиб, пойтахтдан Қаршигача "Afrosiyob" тезюрар поезди ҳаракати йўлга қўйилганини қайд этиш лозим. Бу юксак марра билан изма-из равишда тизимдаги яна бир йирик лойиҳа — "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темирйўл линиясининг 104 километрида қурилиш, электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги "Ангрен-Поп электрлаштирилган темирйўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида бунёд этилаётган мазкур лойиҳа юртимизда ягона миллий темирйўл тармоғини яратиш имконини беради. Умумий узунлиги 123,1 километрдан иборат бўлган ушбу йўлда 285 та сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километрни ташкил этувчи 13 та кўприк, 6 та йўл ўтказгич, 2 та вокзал, 4 та станция, 4 та разъезд қуриб битказилди.

Шунингдек, янги темир йўлнинг "Ангрен" станциясидан туннелнинг Ғарбий порталигача, "Поп" станциясидан Шарқий порталгача бўлган масофада темирйўл қурилиши ҳамда электрлаштириш ишлари тўлиқ якунланиб, поездлар ишчи ҳаракати ташкил этилди. Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда "Қамчиқ" довони бўйлаб қурилаётган ушбу темирйўлда бунёдкорлик ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Хусусан, лойиҳа доирасида хитойлик ҳамкорлар билан қурилаётган, узунлиги 19,1 километрлик туннелнинг асосий стволини қазиш ишлари Ғарбий ва Шарқий порталлар ҳамда қўшимча учта ёнбош шахталарда олиб борилаётгани боис, бугунги кунгача 14 километр узунликда туннель қазилди. Бу кўрсаткич қўшимча туннелда қарийб 15 километрни ташкил этади. Қолаверса, туннелнинг 10 километрдан зиёд қисмида пардозлаш ишлари амалга оширилди.

Мазкур йирик лойиҳа қурилишида темирйўлчилар учун зарур шароитлар яратилиб, қурилиш объектларига замонавий техникалар ва материаллар ўз вақтида етказилмоқда. Бу эса, тоғли ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг белгиланган режа асосида бажарилишини таъминлаяпти.

Эътироф этиш керакки, "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темирйўли ва ушбу лойиҳа доирасида бунёд этилаётган туннель қурилишида сифатга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда бажарилаётган ишларнинг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёр ва стандартлар талабларига мувофиқлиги Германиянинг "DB International GmbH" компанияси мутахассислари томонидан назорат қилиб борилаяпти.

"Ангрен-Поп" электрлаштирилган темирйўл линияси қурилиши лойиҳаси мураккаблиги жиҳатидан дунё миқёсида биринчи саккизталикдан, туннель узунлиги бўйича ўн учталикдан жой олган. Албатта, бу мўъжизавий, улкан қурилиш келгусида Марказий Осиё ва Европа минтақасидаги мамлакатлар билан темирйўл орқали ҳамкорлик ўрнатишда муҳим ўрин тутади. Энг асосийси, юкларни ташиш арзонлашади, уларни етказиб бериш муддати эса, икки баробар қисқаради.

Мухтасар айтганда, интеграциялашиш жараёни янги мингйилликнинг асосий белгисига айланган бир даврда замонавий транспорт инфратузилмасини, шу жумладан, кенг тармоқли темирйўллар тизимини барпо этишга қаратилган изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон яна қадимги Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасига айланди. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг "ўзбек модели" туфайли бу бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигининг ошишини ва иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда тараққий этишини таъминламоқда.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Qonun ko`magi

Хусусий мулк дахлсизлиги

қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқлиликка риоя қилинади. Яъни мулкдорларга хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан тенг шароитлар таъминланади.

Давлат органининг мулкдор мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдор билан келишувга кўра, тегишинча туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунига қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низони кўриб чиқишда ҳал этилади.

Хусусий мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонун қабул қилинган тақдирда, ушбу қонунни қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан, мол-мулкнинг бозор қиймати давлат томонидан тўла ҳажмда қопланади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал этилади.

Хусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжати мулкдорнинг ҳуқуқий ҳолатини ёмонлаштирган ёки мулкдорга қўшимча мажбуриятлар юклаган тақдирда, орқага қайтиш кучига эга эмас.

Айниқса, юқорида номи қайд этилган қонун билан мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди. Хусусан, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиз бўлиб, хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жойларда мазкур қонун талабларига риоя этилиши юзасидан доимий равишда назорат амалга оширилмоқда. Жумладан, адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли ташкилотларга 50 та тақдимнома, 86 та огоҳнома ва кўрсатма киритилди, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 21 та баённома расмийлаштирилди. Бундан ташқари ҳуқуқбузарлик содир этган 2 нафар масъул ҳодимнинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо бериш юзасидан прокуратура органларига 2 та, суд қарорларига протест киритиш ҳақида 4 та таклиф ҳамда судларга жами 43 та даъво аризаси киритилди.

Киритилган тақдимномаларга асосан жами 56 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди, қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда қабул қилинган 6 та қарор бекор қилиниб, 5 та қарорнинг ижроси ҳаракатдан тўхтатилиши таъминланди. Ноқонуний равишда ундирилган 1 миллион 510 минг 645 сўм маблағ эгаларига қайтарилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларининг қонуний асосларини такомиллаштириш фуқароларда, тадбиркорларда мулкдорлик туйғусини мустаҳкамлаб, уларнинг ўз ишини ишонч билан янада ривожлантиришига, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Ғайрат ТИЛОВҚОБИЛОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айниқса, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларининг либераллаштирилиши ислоҳотларнинг муҳим йўналиши бўлди. Судларнинг ваколатлари изчил кенгайтириб борилди, одил судловни амалга оширишда улар холислиги ва мустақиллигининг кафолатлари мустаҳкамланди. Шу билан биргалиқда, прокурор ва адвокатнинг фуқаролик ва жиноят ишлари юритувининг барча босқичларида тортишув ва тенглик тамойили асосида фаолият кўрсатаётганлари, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатура мустақиллигини мустаҳкамлашга доир изчил чоралар амалга оширилди.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси суд-ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим стратегик-дастурий ҳужжат бўлганига алоҳида эътибор қаратдилар. Бинобарин, Концепцияда белгиланганидек, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади — суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, айни вақтда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида ўтказилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ва соҳада қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлашга қаратилгани бежиз эмас. Суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларнинг билим ва кўникмаларини ҳамда ижтимоий ҳимоясини оширишга йўналтирилган чоралар — бевосита соҳада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини таъминламоқда.

Илмий-амалий семинар доирасида бир қатор долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган судгача, суддан ташқари ҳал қилиш тартибини жорий этиш, жиноят процессида томонларнинг тортишувлари тенглиги принципини такомиллаштириш масалалари шулар жумласидандир.

Анжуман якуни бўйича тегишли қонун нормалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

Олий суд Ахборот хизмати

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз

Ҳаётда киши баъзан зарурат юзасидан кимдандир қарз олиши ёки кимгадир қарз бериши мумкин. Бу табиий ҳол, албатта.

Аммо айрим ҳолларда қарз олди-бердиси икки кишининг орасига совуқчилик солиши, кутилмаган низоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Суд амалиётидаги қарз билан боғлиқ низолар таҳлил қилинганда, аксарият ҳолларда фуқаролар қарз беришнинг ҳуқуқий асосларига риоя этмагани, шу сабабдан ҳам низо келиб чиққанини кўриш мумкин.

Ҳа, шундай, амалдаги қонунларимизда қарз беришнинг ҳам қонуний асослари белгилаб қўйилган, уни билиш ҳеч қачон фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хўш, қарз беришнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат? Қарз шартномаси деб қандай шартномага нисбатан айтилади?

Қуйида шу ҳақда фикр юритамиз.

Айтиш керакки, фуқаролик ҳуқуқида икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувга шартнома дейилади. Ҳар қандай шартнома фуқаролар, юридик шахслар ва давлат учун муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни юзага келтиргани боис юридик факт ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг шартнома тузишдан кўзлаган мақсадига кўра, шартномалар муайян натижага эришишга қаратилади. Масалан, сотувчининг олди-сотди шартномаси тузишдан мақсади — товарини пулга алмаштириш бўлса, харидорнинг мақсади — товарга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритишдир. Шу маънода фуқаролик ҳуқуқида, фуқаролик муомаласи ва мажбуриятлар тизимида фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг муайян мақсадга эришиш мақсадида тузадиган шартномаларидан бири — қарз шартномасидир.

Қарз шартномасига асосан қарз берувчи қарз олувчи ихтиёрига пул ёки сон, миқдор ўлчовидаги бошқа мулкни беради. Ҳар икки томон зиммасига шартнома ёки қонунда кўрсатилган шартларга асосан мажбуриятлар юклайди. Қарз шартномасига кўра, олинган нарса қарз берувчига қайтарилиши лозим бўлиб, унинг тартиби ва муддати шартномада алоҳида қайд этилади. Агар қайтариш муддати кўрсатилмаган бўлса, у қарз берувчи талаб қилган вақтда қайтарилиши шарт.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилади. Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи муайян сумма, муайян миқдордаги ашёлар берганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 732-моддасига кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўша суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига тенг ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

- қарз шартномаси реал шартнома саналади, чунки тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва бурчлар шартнома предмети бўлган пул ёки ашёнинг топширилиши пайтидан эътиборан юзага келади ва шартнома ҳам айни шу пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади;

- қарз шартномаси бир томонлама шартномалар туркумига киради, чунки бу шартнома бўйича бир тараф — қарз берувчи ҳуқуққа эга бўлса, иккинчи тарафда — қарздор бурчли бўлади. Чунончи, қарз берувчи қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, қарздор эса, олинган қарзини қайтаришга мажбур;

- қарз шартномаси, агар қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ, шунингдек, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлса, қарз суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт;

Huquqiy ma`rifat

Тадбиркорлар ҳуқуқлари суд ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ҳақда сўз борганда, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда соҳа вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш каби долзарб масалалар доимий эътиборда турганини қайд этиш лозим. Хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгани аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш ва иқтисодиётимизни барқарор суръатларда ривожлантиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, мамлакатимизда одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида қабул қилинган қонунлар соҳани янада либераллаштиришга, бу борадаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган. Натижада суд-ҳуқуқ ислоҳотлари туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси янада мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари давр талабига мос равишда изчиллик билан такомиллаштирилиб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиб борилмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди.

Фармон мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Унда тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузгани муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилиши белгиланган. Бу, ўз навбатида, судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мазкур фармонда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 20 августида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонун асосида Жиноят кодекси "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар" деб номланган янги XIII¹-боб билан тўлдирилди. Унга кўра, мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ёки ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш каби ҳолатлар хусусий мулк ҳуқуқини бузиш ҳисобланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш, тадбиркорларнинг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиш, тадбиркорларни мажбурий тартибда ҳомийликка жалб қилиш, тадбиркорларга лицензия бериш муддатларини бузиш қонунан мумкин эмас.

Шу билан бирга, банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга иш ҳақи, нафақа, стипендия ва бошқа тўловларни беришнинг асоссиз равишда кечиктирилиши, тадбиркорлар ҳисоб-варағида қанча маблағи борлиги ҳақида маълумотни талаб қилиш, тадбиркорлар фаолиятига таъсир қиладиган пора олиш ва пора бериш каби ҳолатлар ҳам қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Бошқача айтганда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишида иштирок этадиган барча давлат ташкилотлари, шунингдек, мансабдор шахслар агар тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилса ҳамда тадбиркорларнинг ишига ноқонуний равишда аралашса, уларга нисбатан жазо муқаррарлиги қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилди.

Албатта, судлар томонидан тадбиркорларнинг ҳар бир мурожаати алоҳида назоратга олиниб, қонуний тартибда ҳал этилмоқда. Шу ўринда бевосита суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, 2014 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жами 2 минг 419 нафар шахсга нисбатан 1 минг 651 та жиноят иши кўрилган.

Ўтган йил давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган жами ишлардан 1 минг 29 таси тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ бўлган. Бу ишларнинг 85,3 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб, шундан 99,1 фоизи қаноатлантирилган.

Кўрилган фуқаролик ишларининг аксариятини тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурслари, деҳқон ва фермер хўжаликлари (уларнинг ер участкаларидан фойдаланиш ва ҳоказо), тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкига етказилган зарарларни ундириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш, тадбиркорлик субъектларининг мулкий низолари, хусусан, фаолиятини амалга оширишда мулкни олиб қўйиш, уларнинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини бекор қилиш, чеклаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг тасарруф этиш эркинлиги билан боғлиқ ишлар ташкил этади.

Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш юзасидан маъмурий ишларни судларда кўришда давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари ҳақида сўз борганда, жумладан, 2014 йил ҳамда 2015 йилнинг биринчи ярмида ноқонуний текширишлар ёки суриштирув ҳаракатларини ўтказиш ҳолатлари бўйича 436 нафар шахсга нисбатан 404 та маъмурий иш кўриб тамомлангани ва шундан 89,9 фоизига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганини таъкидлаш лозим.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2014 йил 25 декабрдаги қарорига кўра, суд ижрочиси қонун асосида маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан 538 минг 175 сўм жарима жазоси тайинланган. Иш ҳужжатларига қараганда, суд ижрочиси 2014 йил 2 декабрда Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва Солиқ кодексининг 96-моддаси талабларини қўпол равишда бузган.

Яъни суд ижрочиси Тошлоқ туманидаги "Гавҳар" кўп тармоқли хусусий фирмаси ишчиси А.Дадабоевнинг нафақа тўловларидан қарздорлиги борлиги учун "Халқ банки" Тошлоқ тумани филиали бошқарувчисига "Гавҳар" фирмасининг барча ҳисоб-рақамлари ҳамда ундаги мавжуд пул маблағлари ҳақида маълумот тақдим этиш ва қўшимча кўрсатма берилгунга қадар ҳисоб рақамини тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатма берган. Содда қилиб айтганда, хусусий фирманинг қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркор деганда, биз даромад топишга қаратилган ҳаракатларни доимий равишда амалга оширадиган ҳамда ушбу фаолиятни ўзлари учун асосий касб-кори сифатида танлаган ташаббускор, фидойи ва ишбилармон юртдошларимизни тушунамиз.

Тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириб, давлатимизни бойитиб, халқимизни фаровон этиб, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ўзўзидан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги куннинг талабидир.

Муаттар АЛЛАЯРОВА,
Олий суд катта консультанти

Qonun ijodkorligi

Биржалар фаолияти

соҳа қонунчилиги янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шундан келиб чиққан ҳолда, янги таҳрирдаги "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасида валюта биржаси фаолиятини тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкнинг валюта биржаси фаолиятини тартибга солишга қаратилган функцияларини очиб беришни ва аниқлаштиришни тақозо этади. Шу боис, юқорида номи қайд этилган қонун лойиҳаси билан "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасидаги Марказий банк ваколатлари қаторига валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгилаш ҳам киритилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонуннинг бир қатор моддалари эса, "валюта биржаси" деган сўзлар билан тўлдирилмоқда. Мазкур қонунга киритиш таклиф этилаётган бу ўзгартишлар Марказий банкнинг валюта биржаси капиталидаги иштирокини қонуний мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, валюта биржасининг мамлакат иқтисодиётида тутган муҳим ўрнидан келиб чиққан ҳолда, унинг фаолияти Марказий банк томонидан назорат қилиниши мақсадга мувофиқдир. Марказий банкнинг валюта биржаси капиталидаги иштироки, ўз навбатида, унга акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, Марказий банкнинг валюта биржаси кузатув кенгашига аъзо бўлиши ҳамда "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси доирасида қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари қонун лойиҳаси билан ушбу қонуннинг 40-моддасига Марказий банкнинг валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгиловчи банд киритилмоқда. Ушбу ўзгартишлар мамлакатимизда валюта бозорини тартибга солишни янада такомиллаштиришга, бу соҳада Марказий банкнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Шуни айтиш керакки, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинишидан аввал товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш жараёни ҳам, биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати ҳам "листинг" деб юритиб келинган. Бу ҳолат, ўз навбатида, турли хил тушунмовчиликлар ва айни бир терминнинг ҳар хил талқин қилинишига сабаб бўлган.

Қонуннинг янги таҳрири билан ушбу термин халқаро биржа терминологиясига мослаштирилди. Энди фақат товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш жараёнигина "листинг" деб юритиладиган бўлди. Биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати эса, "биржанинг котировкалаш варағи" деб юритилиши белгиланди. Чунки "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонунга асосан, дастлабки кўздан кечиришни талаб этмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган, биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати — биржанинг котировкалаш варағи ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 24 ва 106-моддалари "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг талаблари билан мувофиқлаштирилган ҳолда "листинг" сўзлари "котировкалаш варағи" деган сўзлар билан алмаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш ҳамда қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган биржа фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқий нормаларга оид зиддиятларнинг олдини олишга ва амалда қонунлар нормаларининг бир хил талқин қилинишига хизмат қилади.

Мазур қонун лойиҳаси яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, концептуал жиҳатдан қабул қилинди. Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳаза, таклиф-тавсиялар асосида бугунги кунда ушбу қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари бу масалада тегишли мутахассислар таклиф этилган ҳолда жойларда семинар, давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилган.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Сиддиқ НОМОЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Turmush chorrahalarida

Қонуний никоҳ

оила мустаҳкамлигига хизмат қилади

Оила жамиятнинг ажралмас ва узвий қисми бўлганлиги боис, уни асраб-авайлаш ҳамда муҳофазалаш энг муҳим вазифалардан биридир. Зотан, аҳил ва ҳамжиҳат оилаларда оқил фарзандлар камол топишини эътиборга олсак, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги муқаддас бурч саналади.

Чироқчи туманида яшовчи (исм-шарифлар ўзгартирилган) Комил ҳамқишлоғи Дилнозага кўнгил қўйиб, уйланди. Тўй тадоригини кўраётган икки ёш қонуний никоҳдан ўтишни негадир ортга суришди, ота-оналар ҳам бунга бефарқ қарашди. Тўйдан сўнг бир муддат тинч-тотув яшаган эр-хотин ўртасида бора-бора ножоиз гап-сўзлар, беҳуда рашк авж олиб, ўзаро ҳурмат йўқолди. Қавму қариндош ва маҳалла кайвонилари ҳам эр-хотинни муросага келтиришолмади.

Ахийри, Дилноза оғироёқ бўлишига қарамай, ота хонадонига қайтишга мажбур бўлди. Орадан кўп ўтмай уларнинг фарзандлари Нурбек дунёга келди. Буни қарангки, Комил ўз фарзандини тан олишни истамади.

Энг ёмони, никоҳлари қонуний тарзда қайд этилмаганлиги учун Дилноза фарзандини ўзининг номига ўтказишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг Дилноза фарзанди Нурбекка нисбатан Комил Нурматовнинг оталигини белгилашни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Ўз навбатида, суд томонидан даъвогарнинг даъво талаблари батафсил ўрганиб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Зеро, Оила кодексининг 62-моддасида: "Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда ота-онанинг биргаликдаги аризаси бўлса, ушбу кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онанинг биринг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етгандан кейин унинг ўзи берган аризасига мувофиқ амалга оширилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

шартномаси

қонуний асосларда тузилса, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади

- қарз мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини ёки мулкни тезкор бошқарув ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномалардан ҳисобланади. Бинобарин, қарздор қарзга олинган нарсанинг айнан ўзини эмас, балки унинг хили, сифати ва миқдорига тенг бошқа нарсани қайтаришга мажбур бўлади;

- агар қонун ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ва фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига, шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади;

- қарз шартномасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Агар тарафлар ўртасида тузилган қарз шартномасида қарз берувчи олинган қарз суммасидан тегишли миқдорда ҳақ олиши, фоиз ҳисобида ёки бошқа шаклда манфаатдор бўлиши белгиланган бўлса, қарз берувчи қонунга асосан фоиз олиши мумкин. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномасида кўрсатилади. Агар шартномада фоиз миқдори кўрсатилмаган бўлса, қарз берувчи фоиз тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, М.Алиева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, таниши Г.Турдиевага 2014 йил 25 август куни 300 минг сўм қарз бергани, Г.Турдиева эса, қарзни 2014 йил 25 сентябрь куни қайтариб бериши ҳақида тилхат ёзиб бериб, гаровга уй дафтарчасини қўйганини, бироқ кейинчалик жавобгар уй дафтарчаси керак бўлиб қолганини айтиб, уни олиб кетганини, лекин қарзини қайтармаганини таъкидлаб, ушбу қарз қарз ва судга даъво ариза топширишда тўлаган давлат божини ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида Г.Турдиева ҳақиқатан ҳам, 2014 йил 25 август куни М.Алиевадан 300 минг сўм қарз олганини ва 2014 йил 25 сентябрь куни қайтариб бериши ҳақида тилхат ёзиб бериб, гаровга уй дафтарчасини қўйганини, 2014 йил 19 сентябрь куни ушбу қарзни қайтариб бериб, уй дафтарчасини олганини, фақат тилхатини қайтариб олмаганини қайд этиб, даъвони рад этишни сўраган.

Фуқаролик кодекснинг 109-моддасига асосан битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Шунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш кераки, фуқаролар қонунга таяниб иш кўришса, ҳеч қачон ютқазмайдилар. Айниқса, қарз олди-бердисида кўпгина дилхираликлар, оворагарчиликларнинг олдини олади.

А.КЕРИМБАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қўнғирот туманлараро судининг раиси вазифасини бажарувчи

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик — умр заволи

бу иллатга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

Инсон дунёга келибдики, узоқ умр кўриб, бахтли яшашни орзу қилади. Шунингдек, соғлом ва баркамол фарзандларни вояга етказиб, уларнинг орзу-ҳавасини кўриш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиз саналади. Бироқ ҳаёт шу қадар мураккабки, инсоннинг бахтли яшаб, кўзлаган мақсадига эришишига айрим иллатлар тўғри-тўғри раҳна солиши мумкин. Гиёҳвандлик балоси ҳам шундай иллатлар сирасига киради.

Маълумотларга кўра, дунёдаги 7 миллиард аҳолининг 3 фоиздан ортиғи гиёҳвандлик домига тушиб қолган. Агар буни рақамлар тилида ифодалайдиган бўлсак, 210 миллиондан ортиқ киши гиёҳвандлик балоси гирдобига тушиб қолгани маълум бўлади. Уларнинг 47 миллиони Лотин Америкаси мамлакатларида яшайди. Биргина Мексикада 1,2 миллион киши гиёҳвандликдан азият чекиши эса, инсоният наслини маҳв этувчи бу дард кўлами ниҳоятда хатарли тус олганини кўрсатади.

Хўш, гиёҳвандликнинг жамият учун хавф-хатари нималарда кўринади?

(Давоми тўртинчи бетда)

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 23 yilligiga

Оилалар фаровонлиги – жамият равнақи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — МУСТАҲКАМ ОИЛА

Оила аъзоларимиз билан бирга кечки овқатдан сўнг инсон саломатлигини асрашга оид кўрсатувни томоша қилдик.

Унда мутахассислар болаларда кўп учрайдиган касалликларнинг бугунги кунда давоси топилаётгани, имкониятлар кенгаяётгани, туғма нуқсонли касалликларни ҳам бартараф этиш мумкинлиги ҳақида тўхталиб, шифо топган ўғил-қизларни кўрсатди. Шунда бувим:

— Илгарилари кўпчилик фарзанди нима касал билан оғриганини билмасдан, сўлиб боришини кузатиб ўтирганининг гувоҳи бўлганман. Чорасиз эди-да. Ҳозирги имкониятлар, шарт-шароитлар қаёқда эди. Бугун инсон қадри шу қадар юксак. Аҳоли саломатлиги, оилалар фаровонлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори аёллар ва болаларга юқори даражада тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимиз эътиборида. Бу борада скрининг марказлари, кўптармоқли болалар шифохоналари, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Оналар ва болалар тизимли асосда тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Бу касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бермоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга тушди.

Зеро, соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Фарзандлар саломатлиги оилалар хотиржамлигини таъминлайди. Оилалар тинчлиги жамият мустаҳкамлигининг асосидир.

ОБОД ТУРМУШ МАСКАНЛАРИ

Юртимизда оилалар учун яратилаётган шарт-шароитлар бугун кўплаб хорижликларнинг ҳавасини келтирмоқда. Бунинг замирида давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва даромадларини ошириш каби саъй-ҳаракатлар мужассам.

Даромадларнинг ортиши оилаларнинг моддий аҳволини юксалтирмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи музлатгичлар, 84 фоизи ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналар, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми кондиционерлардан фойдаланмоқда. Бу мисоллар турмушимиз обод бўлаётганининг яққол ифодасидир.

Мустақиллик йилларида аҳолининг мутлақо янги авлод телевизорлари — плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани ҳам оилаларимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда ёш оилаларни имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминлаш тизимининг жорий этилгани улар учун моддий ва маънавий кўмак бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримов 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳолининг уй-жой шароитлари тубдан яхшиланиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаяётгани, мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошганини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олиши ва иморат қуриши, рўзғорини бутлашига кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 1 минг 744 оилага 184,2 миллиард сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилган. Айни вақтда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши, юртимизни обод этиш ва кўплаб оилалар турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Жорий йил бошидан буён қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 9,3 мингдан зиёд якка тартибдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилгани ҳам оилаларнинг фаровон турмуш кечиришида муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда турар жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширилгани қулай ҳаёт кечириш учун муҳим асос бўлмоқда. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида экани ҳам оилалар манфаатларига хизмат қилади. Кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадонларда яшашини ҳисобга олсак, оилалар учун яратилаётган имкониятларнинг аҳамияти нечоғли юксаклигини англаш қийин эмас.

Бу ислоҳотлар замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оилалар хотиржамлиги ва фаровонлиги, аҳолининг ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитда яшашига эришишдек эзгу мақсад мужассам. Бу каби саъй-ҳаракатлар мустаҳкам ва бахтли оилаларнинг кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Turmush chorrahalarida

Қонуний никоҳ

оила мустаҳкамлигига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилганига қадар яшаганлиги ва умумий рўзғор юритаётганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади. Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзининг боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд орқали белгиланиши мумкин", дея қайд этилган.

Суд ушбу моддалар талабларидан келиб чиқиб, Дилноза Умарованинг 2014 йил 24 ноябрда туғилган фарзанди Нурбекка нисбатан жавобгар Комил Нурматов оталигини белгилаш, шунингдек, фарзандининг таъминоти учун жавобгардан алимент ундириш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Мухтасар қилиб айтганда, оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллардан бири қонуний никоҳдан ўтиб, оила қуриш ҳисобланади. Шундагина, оила мустаҳкам бўлиб, фарзандлар тўлақонли шароитда камолга етади. Бу ҳаётий ҳақиқатни турмуш қуриш остонасида турган ёшлар ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Ҳабиба ХУДОЙБЕРДИЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик – умр заволи

бу иллатга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Энг аввало, гиёҳвандликка дучор бўлган кимса ўзининг ижтимоий фаолиятини йўқотади, яъни меҳнат қобилиятини бой беради. Гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилган кимсанинг соғлиғи ҳам панд бера бошлайди.

Энг ёмони, гиёҳвандлик балоси оилавий муносабатларга тўғридан-тўғри хавф солади. Бундай оилада майиб-мажруҳ болалар дунёга келиш эҳтимоли жуда юқори бўлади. 2011 йил Мехикода бўлиб ўтган Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти конференцияси шу сингари инсон ҳаёти учун хатарли жиҳатларни назарда тутиб, гиёҳвандликни тараққиётга хавф солувчи, ҳатто бутун инсониятни бевосита ҳалокатга дучор этувчи ёвуз иллат сифатида баҳолади. Маълумотларга кўра, ҳар куни дунёда 330 нафар одам гиёҳвандлик туфайли ҳаётдан кўз юмар экан.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқимизнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ва саломатлигини асраб-авайлаш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланди ва бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга жорий этилди.

Хусусан, гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда айланишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. Жумладан, гиёҳвандликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилди ва жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандликка мубтало бўлган кимсаларга нисбатан мажбурий даволашни қўллаш мақсадида "Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида", "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, ўтган даврда БМТнинг "Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона Конвенцияси", "Психотроп моддалар тўғрисида" ҳамда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича" конвенциялари ратификация қилингани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди. Бундан ташқари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши ҳам миллий, ҳам халқаро даражада курашишни такомиллаштириш масалалари бўйича тегишли таҳлилий ҳужжатлар ва таклифлар тайёрлаш, республика ва унинг ташқарисида гиёҳвандликнинг олдини олиш, наркотик воситалар устидан назорат олиб бориш бўйича маълумотлар базасини йиғиш ва шакллантириш мақсадида 1996 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ташкил этилди.

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 270-276 моддаларини ўз ичига олган XIX боби ҳам "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" деб номланиб, унга кўра, тақиқланган экинларни етиштириш, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш, истеъмол қилишга жалб этиш, ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар билан давом эттирадиган бўлсак, 1980 йил Фориш туманида туғилган, айни пайтда Зафаробод тумани "Балиқли" маҳалласида яшаб келаётган Тўлқин Жўрабеков ҳам (исм-шарифлар ўзгартирилган) шундай нопок йўлга қадам босди. Маълум бўлишича, Т.Жўрабеков 2007 йил ҳам шу сингари жиноий қилмиши учун судланиб, озодликдан маҳрум этилган, муайян муддат қамоқ жазосини ўтаган. 2008 йил эса, такрор содир этган бошқа бир жинояти учун амнистия актига асосан жазодан озод этилган. Бироқ у ўзига нисбатан билдирилган ишонч, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларидан тегишли хулоса чиқармай яна жиноий қилмишга қўл уради. 2015 йил 7 август куни бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг очиқ суд мажлисида Т.Жўрабеков гиёҳвандлик моддасини 2006 йилдан буён истеъмол қилиб келишини, уйидан топилган заҳри қотилни шу йил май ойи бошларида Арнасой туманидаги "Бўстон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги даладан териб келганини баён этиб, қилмишидан пушаймон эканини, ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўради. Судланувчи Т.Жўрабековнинг айби ўзининг қисман иқрорлигидан ташқари дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган далиллар, яъни судда гувоҳ сифатида қатнашганларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ тасдиғини топди. Суд судланувчига озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

Эътибор берган бўлсангиз, Т.Жўрабеков илгари ҳам судланган. Тўғри йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кирган ва айбига иқрор бўлиб, судлар томонидан тайинланган жазонинг муайян муддатини ўтагач, амнистия тўғрисидаги қарор қўлланган ҳолда жазодан озод этилган. Яъни унга қилмишларидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиши учун имконият берилган. Бироқ у бундай имкониятдан унумли фойдаланиб, соғлом турмуш тарзига қайтиш ўрнига оғу чангалида қолишни афзал билган. Қилмиш-қидирмиш деганларидек, Т.Жўрабековнинг кирдикорлари фош этилгач, у қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятларига, фаровон турмуш тарзимизга мутлақо зид бўлган гиёҳвандлик иллати кишини оғир кулфатларга дучор этади. Шундай экан, бундай иллатларга қарши курашиш, унинг чиркин домига илинганларни тўғри йўлга қайтариш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, фуқоролик мажбуриятимиз эканини доимо ёдда тутайлик.

Анвар ХОМИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Зафаробод тумани судининг раиси

G`aroyib olam

Маълумки, дунёда инсоният томонидан бунёд этилган обидалар орасида қадимий кутубхоналар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Биз билган ва билмаган дунё



ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ КУТУБХОНАЛАРИ

Айниқса, бундай қадимий кутубхоналарда сақланаётган ноёб қўлёзмаларга нисбатан қизиқиш ҳар доим ҳам юқори бўлган.

Бу ҳақда гап кетганда, даставвал, Вашингтон шаҳрида жойлашган миллий Конгресс кутубхонаси дунёдаги энг катта ва қадимий кутубхона сифатида тилга олинади. Айтиш керакки, бу кутубхонага 1800 йил 24 апрелда солинган. Кўпгина ноёб китобларни харид қилиш ҳамда уларни сақлаш учун беш минг доллар ажратилган. Ўша пайтда бу ниҳоятда катта маблағ ҳисобланган.

Кутубхона хазинасидан дастлаб 740 та китоб ва Лондондан сотиб олинган Американинг уч дона жуғрофий харитаси жой олган. Американинг кейинги президенти Томас Жефферсон эса, 1801 йилда кутубхона хазинасини анча бойитди. Лекин 1812-1816 йиллардаги Америка-Англия урушида кутубхона ёнғинга учрайди ва бунинг оқибатида кўпгина нодир қўлёзмалар ёниб кетади. Шундан сўнг давлат арбоби Мэдисонга машҳур кутубхоначи Жефферсондан таклиф тушади. Яъни у ўз хонадонида узоқ йиллардан буён тўплаб келаётган турли тиллардаги 6 487 та китобни сотиб олишни таклиф қилади. Ўз навбатида, Мэдисон унинг китобларини сотиб олишга розилик билдиради. Шу боис кейинчалик бу кутубхона "Жефферсон" номи билан ҳам танилган.

Бахтсиз тасодифни қарангки, 1851 йил кутубхонада яна ёнғин чиқади ва хазинанинг учдан икки қисми, яъни 55 минг китоб ёниб кетади. Бир йилдан сўнг кутубхонани қайта тиклаш учун давлат томонидан 168 700 АҚШ доллари ажратилади. Шундан сўнг бу кутубхонага олимлар, ёзувчи ва журналистларнинг ҳам киришига рухсат берилади. 1870 йилдан эса, Америкада чоп этилган ҳар бир нашрдан битта нусха кутубхона хазинага қўшиб борилади. Бундан ташқари мамлакат аҳолиси томонидан ихтиёрий равишда топширилган китоб, адабиёт ва турли ҳужжат намуналари кутубхонанинг янада бойишига замин яратади.

Бугунги кунда ушбу кутубхонада 5 500 та ҳарф териш йўли билан чоп этилган илк китоблар, 330 минг хитой фольклори намунаси, 450 минг япон адабиёти дурдонаси ва Американинг 60 мингта камёб тўпламлари сақланмоқда.

Шу ўринда ушбу кутубхонанинг меъморий тузилиши ҳақида фикр юритадиган бўлсак, у учта асосий бинодан иборат бўлиб, унда бир-бирига ўтадиган ер ости йўллари мавжуд. 1 460 ўриндиқли ўн саккизта ўқиш залига эга. Ўқувчилар кутубхонада сақланаётган китобларни "Миллий рўйхат" номли каталог орқали топишлари жуда қулай ва осондир. Кутубхонанинг уч минг олти юз йигирма тўрт нафар хизматчиси йилига бир миллион етти юз эллик минг нафар фойдаланувчига хизмат кўрсатади. 1987 йилдан ҳозирги кунгача мажмуада сақланаётган адабиётлар сони 144 миллион 652 минг 233 тани ташкил этади.

Жаҳондаги энг катта кутубхоналардан яна бири — Хельсинки шаҳридаги Финляндия Миллий кутубхонаси ҳисобланади. У ғарб ва шарқ меъморчилик анъаналари уйғунлиги асосида XIX асрда барпо этилган. Кутубхона гумбазли қироатхона, ярим айлана шаклидаги 6 қаватли китоб сақлаш хоналари ва бошқа қўшимча хоналардан иборат. Кутубхонанинг умумий китоб жамланмаси 2,6 миллионни ташкил қилади.

Шунингдек, Вена шаҳрида жойлашган Австрия миллий кутубхонасининг умумий китоб жамланмаси эса, етти ярим миллион бўлиб, шундан 180 мингтасини папирусга битилган китоблар ташкил этади.

Испаниядаги "Эскориал" кутубхонаси эса, кўп миқдордаги араб тилидаги қўлёзмалар сақланиши билан бутун дунёга машҳур. Қолаверса, нодир қўлёзмалар махсус жилд (ғилоф)ларда сақланиши бўйича ҳам дунёда ягона кутубхона саналади.

Чехиядаги Страхов Монастири кутубхонаси эса, қарийб 800 йиллик тарихга эга. Бу кутубхонадаги энг қадимий манба XII аср ўрталарида яратилган.

Машҳур кутубхоналар ҳақида фикр юритганда, Буюк Британияда жойлашган "Бодлиан" кутубхонаси номи албатта, тилга олинади. Бу бежизга эмас. Чунки ушбу кутубхона Оксфорд университетининг асосий кутубхонаси ҳисобланади.

Айтиш керакки, бу кутубхона биносининг биринчи қурилиши XIV асрда амалга оширилган. Епископ Томас де Кобэм кутубхона асосчиси саналади. XVI асрга келиб кутубхона қадимий қўлёзмаларни тўплаш бўйича мутахассис Томас Бодли шарафига шундай ном олган. Айни кунда бу кутубхонада 11 миллиондан зиёд китоблар сақланмоқда.

Лиссабондаги ҳашаматли Қироллик кутубхонаси қирол Жуан V буйруғи билан бунёд этилган бўлиб, қурилишига нақ 13 йил сарфланган. Барокко услубидаги ушбу кутубхонада 35 мингта ноёб китоблар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари 500 йил муқаддам яратилган. Қизиқ томони шундаки, ушбу кутубхонадаги китоблар қўршапалаклар томонидан қўриқланади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, қўршапалаклар китоблар учун хавфли саналган ҳашаротларга қирон келтиради.

Интернет материаллари асосида Бобур ЗОҲИДЖОНОВ тайёрлади

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1122. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6625.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰